

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М**

2025 йил июль ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Когон туман суди, суд биносида очик суд мажлисида, суд раиси Қ.И.Холовнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Солиеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Когон туман прокурор ёрдамчиси А.Иззатуллаев, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXX ва унинг ҳимоячиси адвокат А.ХХХХХларнинг иштирокида, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXга оид 1-2004-2501/59-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXX XXXXX
XXX – 1995 йил 23 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 30.11.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,155²-моддаси 1-қисми, 244¹-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 244²-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 26 май кунидаги ажрими билан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 30.11.2022 йилдаги ҳукми ўзгартирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати 7 йил 1 ойга келтирилган, жазони Когон туманида жойлашган умумий тартибли 1-сон жазони ижро этиш колониясида ўтаб келган, ўталган жазо муддати 3 йил 2 ой 15 кунни, ўталмаган жазо муддати 3 йил 10 ой 15 кунни ташкил этади, 2025 йил 23 апрель кунидан “қамокқа олиш тарзида” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 10 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд жиноят ишини кўриб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXX муқаддам содир этган оғир ва ўта оғир жиноятлари учун узил-кесил ўташ учун 7 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси

Ҳужжат имзоланган: Холов Қосим Исмаатович, 06.08.2025



тайинланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини Когон туманида жойлашган 1-сонли умумий тартибли жазони ижро этиш колониясида ўташ даврида, жазони ўташ тартиби талабларини мунтазам равишда бузиб, 1-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг 07.08.2024 йилдаги 60-сон қарорига асосан 1 ой (30 кун) муддатга қарцерга ўтказиш тариқасидаги интизомий жазо, шунингдек маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона бошлиғининг 04.02.2025 йилдаги 8-сон қарорига асосан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган бўлса-да, 2025 йил 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан олдин ётоқ жойидан ўзбошимчалик билан туриб, эрталаб соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида туркумдан чиқаётган пайтида тунги навбатчи Ш.Раджабов унга ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмаганлигини айтганида, унинг гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиқиб кетиб, олиб борилган тарбиявий суҳбатлар ва берилган огоҳлантиришлардан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ҳар хил асоссиз баҳоналарни рўқач қилиб, “сизни кўзингиз мендан бошқасини кўрмайди ёки сизга асоссиз заказ бўлганми” деб колония ходими билан хушмуомалада бўлмасдан, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, жазони ўташ тартибини кўпол тарзда бузган.

Судда судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
XXXXX айбига иқрорлик билдирмасдан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 30.11.2022 йилдаги ҳукмига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун Когон туманида жойлашган 1-сонли жазони ижро этиш колониясига келтирилганлигини, 20 кун карантинга қолганлигини, уни ЖИЭК ходимлари урганликларини, унинг оёғи синганлигини, уни “Сангородга” юборганликларини, у ерда уни операция қилишганликларини, у ўз жонига қасд қилганлигини, кейин яна ЖИЭМга келганлигини, 2025 йилнинг 24 февраль куни кир ювмаганлигини, шунчаки кирларини тоғорага солиб ивитиб қўйганлигини, маҳкумлар учун уйғониш вақти колония ички тартиб қоидаларига кўра соат 06:00 қилиб белгиланганлигини, бундан хабари борлигини, 24 февраль куни эрта уйғониб туркумни тарк этишидан мақсад кирларини ивитиб тушлик пайти рухсат сўраб ювмоқчи бўлганлигини, у колонияга келган кундан бошлаб маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб келинганлигини, унга зулм бўлганлиги сабабли ўз жонига қасд қилганлигини, у тушлик вақти ухлаган пайт, 2 та харбий келиб уни уйғотганлигини, “нимага ухладинг” деганликларини, 7 август куни чақириб, унга қоидабузарлик ҳолати бўйича ҳужжатларни расмийлаштирганликларини, бўлган ишлар бўйича унга тушунтириш хати ёзишга имкон беришмаганликларини, ички тартиб қоидаларга бўйсунганлигини, қилган қилмишини жиноят деб ҳисобламаслигини, унинг айби йўқлигини, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ Худойқулов Ҳасан Аҳадович 1-сон ЖИЭК бошлиғининг ёрдамчи смена бошлиғи лавозимида ишлаб келаётганлигини, маҳкум



XXXXXXни колонияга этап бўлиб келган кунидан буён танишини, маҳкум XXXXX содир этган тартиббузарликлари учун 1-сон ЖИЭК бошлигининг 07.08.2024 йилдаги 60-сон қарори билан “Маҳкумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш” тариқасидаги интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, шунингдек маҳкумлар учун ихтисослашган колония бошлигининг 04.02.2025 йилдаги 08-сонли қарори билан маҳкум XXXXXга нисбатан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, маҳкум XXXXX 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида тунги навбатчи Ш.Ражабов унга “ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади” деса ҳам уни гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлигини, бу ҳолатни маҳкум Н.Пўлатов бевосита гувоҳи бўлганлигини, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ш.Ражабов, Ж.Қувватов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлигини, далолатномага у имзо қўйганлигини, далолатнома ўқиб берилганлигини, ҳақиқатдан XXXXXни кўлида сумкаси борлигини, XXXXX уйқудан туришга рухсат бўлмасдан туриб сумкасини олиб чиққанлигини, далолатнома тўғри тузилганлигини, маҳкум кир ювишга чиқиши мумкин эмаслигини, кир ювишга махсус кун борлигини, ўшанда ҳамма кирини ювишини, соат 22:00гача ювиниш хонасига бориш мумкинлигини, сумка билан кир ювишга бориш мумкин эмаслигини, унинг суткалик иш вақти соат эрталабки 9 дан кейинги куни соат 9 гача ишлашини, у борган вақтида ҳовлида Жавлон ва Шавкат гаплашиб ўтиришганликларини, XXXXXни елкасида қора сумка осилганлигини, XXXXX уйқудан уйғонишга рухсат берилмасдан илгари турганлигини, маҳкум XXXXXга туриш эълон қилинмасдан туриш мумкин эмаслиги айтиб ўтилганлигини, маҳкум хоҳлаган вақти ҳожатга чиқиши мумкинлигини, фақат назорат дафтарига исм, фамилиясини ёзиб қўйиши лозимлигини, Ражабов Шавкат унга воқеани айтиб берганлигини, у ўзи XXXXXни қилган ишини кўрмалигини, у бу ҳолат бўйича бирор бир маҳкум билан гаплашмаганлигини, Шавкат XXXXXга “чикма” деганлигини, у барибир чиқиб кетганлигини, маҳкумга қанақадир тан жароҳати бўлса тиббий кўриқдан ўтказилишини, 24 августда XXXXX ўзига етказган тан жароҳатини у эслолмаслигини баён қилди.

Судда гувоҳ XXXXX 1-сон ЖИЭК тартибот бўлими инспектори лавозимида ишлаб келаётганлигини, XXXXX 1-сон ЖИЭКга жазо муддатини ўташ учун этап орқали келтирилганлигини, маҳкум XXXXXни колонияга этап бўлиб келган кунидан буён танишини, маҳкум XXXXX содир этган тартиббузарликлари учун 1-сон ЖИЭК бошлигининг қарори билан “Маҳкумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш” тариқасидаги интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, шунингдек маҳкумлар учун ихтисослашган колония бошлигининг қарори билан маҳкум XXXXXга нисбатан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, XXXXX 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир



ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида унга “ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади” деса ҳам гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлигини ва кир ювганлигини, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ҳ.Худойқулов, Ж.Қувватов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлигини, XXXXXдан тушунтириш хати олинганлигини, маҳкумларга кун тартиби тўлиқ тушунтирилганлигини, маҳкум тунги вақтда кир ювиши мумкин эмаслигини, маҳкумлар белгиланган кун тартибида кир ювишлари мумкинлигини, XXXXX айнан қайси кийимларини ювганлигини билмаслигини, маҳкумларнинг уйғониш вақти эрталаб соат 05:50дан бошланишини, у маҳкум XXXXX билан суҳбатлашганида унинг камераси бўлганлигини, унинг камерасидан запис олиб иш хужжатларига тикилмаганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ XXXXX 1-сон ЖИЭК тартибот бўлими инспектори лавозимида ишлаб келаётганлигини, маҳкум XXXXXни 1-сон ЖИЭКга этап бўлиб келган кунидан буён танишини, маҳкум XXXXX колонияга келганидан буён олиб борилаётган тарбиявий-профилактик тадбирлардан ўзига тўғри хулоса чиқармасдан содир этган тартиббузарликлари учун 1-сон ЖИЭК бошлиғининг 07.08.2024 йилдаги 60-сон қарори билан “Маҳкумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш” тариқасидаги интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, шунингдек маҳкумлар учун ихтисослашган колония бошлиғининг 04.02.2025 йилдаги 08-сонли қарори билан маҳкум XXXXXга нисбатан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилганлигини, 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан XXXXX ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида тунги навбатчи Ш.Ражабов унга “ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади” деса ҳам уни гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлигини, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ҳ.Худойқулов, Ш.Раджабов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлигини, у ҳам далолатномага имзо қўйиб берганлигини, маҳкум XXXXXнинг 2025 йил 24 февраль куни кир ювиш мақсадида ювиниш хонасига бориб кир ювганлигини у кўрмаганлигини, унга ушбу ҳолатни Ш.Раджабов айтганлигини, 2025 йил 24 февраль кундаги ҳолат бўйича тушунтириш хати олиншига гувоҳ бўлганлигини, ҳолатни фотосуратга туширганлигини, назорат дафтарини кўрганликларини, ҳолат соат 05:10да юз берганлигини, ҳаммага камера борлигини баён қилди.

Судда гувоҳ XXXXX суд ҳукми билан 15 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинганлигини, жазо муддатини ўташ учун 2024 йилнинг 15 май куни этап орқали Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган 1-сон ЖИЭКга олиб келинганлигини, колонияга келган кунидан буён унга колония ходимлари томонидан маҳкумларнинг кун тартиби, ички тартиб қоидалари, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтириб келинаётганлигини, 1-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаб келиб,



колонияда 5-бино 9-туркумда маҳкумлар ҳожатхонаси ва ювиниш хонасида тозаловчи бўлиб ишлаб келишини, у тозалаш ишларини олиб бораётган вақтда унинг ишлашига ХХХХХ халақит қилиб келишини, у фақат ўн литрлик елим идишга сув солиб олиб, ўзини бошқа маҳкумлар олдида салбий томонларини кўрсатиб гўёки спорт билан шуғулланиб келишини, 2025 йилнинг 24 февраль куни соат тахминан 05:20 лар атрофида хизмат вазифаси бўлган ювиниш хонасида тозалаш ишларини олиб бораётган вақтида колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан, ХХХХХ кир ювиш мақсадида кийимлари олиб ювишни бошлаганида унга “ҳали кир ювиш мумкин эмас” деб айтганида унга нисбатан ҳақоратли сўзлар ишлатиб ўз ишини давом эттираверганлигини, у ўз вазифасини бажариш мақсадида ювиниш хонасида кирганлигини, тартиб қоида бўйича уйқудан туриш вақти эълон қилинишини, соат 6 да уйқудан туриш вақти эълон қилинишини, бадан-тарбия қилинишини, бандан-тарбия 15 минут бўлишини, 06.30 да нонуштага чиқилишини, ХХХХХ 05:10 ювиниш хонасига кирганлигини, у ХХХХХга “мен хонани тозалайман” деганлигини, ХХХХХ “кир юваман” деганлигини, “кир ювиш бугун мумкин эмас-ку” деб айтлигини, ХХХХХга зона ходимлари унга тан жароҳати етказганлигини эшитмаганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ суд ҳукми билан 8 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинганлигини, жазо муддатини ўташ учун 2025 йилнинг 29 январь куни этап орқали Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган 1-сон ЖИЭКга олиб келинганлигини, келган кунидан буён унга колония ходимлари томонидан маҳкумларнинг кун тартиби, ички тартиб қоидалари, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтириб келинаётганлигини, 1-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаб келиб, колонияда 5-бино 9-туркумда тунги вақтда тозаловчи бўлиб ишлаб келишини, 2025 йил февраль ойларида маҳкум ХХХХХ ХХХХХ билан тортишганлигини, ХХХХХ ҳақорат қилиб чиқиб кетганлигини, ХХХХХ унга ювиниш хонасига бораман демаганлигини, таҳоратга чиқиб кетганлигини, унга кийим ювишини айтмаганлигини, у тунги навбатчи бўлганлигини, соат 23:00 дан 5:00 гача маҳкумларни чиқиши мумкин эмаслигини, агар чиқмоқчи бўлса ундан сўрашини, у эшикни тагида коридорда ўтиришини, чиқмоқчи бўлганларни дафтарга ёзишини, ХХХХХ чиқаётган вақтда қўлида ҳеч нарса кўрмаганлигини, каридор охиридан бирор нарса олиб кетган бўлиши мумкинлигини, унга ҳеч ким ХХХХХ безовта қилгани ҳақида шикоят қилмаганлигини, ҳожатхона ҳамда ювиниш хоналари очиқ туришини, чироқлар соат 06:00 ёқилишини, соат 06:00 да чиқадиганлар ҳам ундан рухсат сўрашини, ўша куни ХХХХХдан ташқари 25 киши ундан рухсат олиб чиқиб келганликларини, кечаси кир ювиш мумкин эмаслигини, ювиниш ҳам мумкин эмаслигини, ХХХХХ унга ҳожатга чиқиб келаман деб айтганлигини, у кир юваман деб айтмаганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ ХХХХХ жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 16.01.2024 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-модда 7-қисми “ж” банди билан 7 йил 6 ой муддатга озодликдан



махрум қилинганлигини, жазо муддатини ўташ учун Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган 1-сон ЖИЭКга олиб келинганлигини, колония ходимлари томонидан маҳкумларнинг кун тартиби, ички тартиб қоидалари, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтириб келинаётганлигини, 1-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаб келиб, колонияда 5-бино 9-туркумда кундузги тозаловчи бўлиб ишлаб келишини, у битта умумий турар жойда судланувчи ХХХХХ билан ётганлигини, уни чиқиб кетганлигини кўрмаганлигини, судланувчи ХХХХХ уни ухлашига халақит бермаганлигини, ХХХХХ навбатчи Носир Пулатовдан рухсат сўраганлигини эшитмаганлигини, ХХХХХга тунги навбатчи ҳали уйғониш вақти бўлмаганлигини айтганлигини эшитмаганлигини, кеч соат 23:00дан эрталабки соат 06:00гача ювиниш хонасига кириш имконияти борлигини, таъқиқланмаганлигини, ХХХХХ ўзи билан олиб чиққан нарсаларни ювдими ёки йўқми билмаслигини, ХХХХХ ўз-ўзига жароҳат етказганлигини кўрмаганлигини, соат 06:00 дан соат 06:15 гача бадан тарбия билан шуғулланишларини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ судланувчи ХХХХХ ХХХХХ унинг ХХХХХ бўлишини, уни эрталаб 2022 йил 8 февраль куни соат 05:00 ларга уйдан олиб кетишганликларини, шундан сўнг унга оид жиноят иши очилганлигини, иш бўйича уни сўроқ қилишмаганликларини, суд ишни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилганлигини, суд ўтгандан сўнг ХХХХХ уни чақирганлигини, уни кўриш учун борганлигини, 2 соатга унга рухсат берилганлигини, ХХХХХ билан учрашганида, уни урганларини, тегишганликларини, жароҳатлари борлигини, 3 та карсер қилиб ХХХХХга берганликларини, ХХХХХни 6 та ходим урганлигини, ўлди менимча дейишганликларини, 3 кун кутганлигини, бошлиқ келганлигини, 30 кундан кейин келаман деганлигини, ҳамма жойи кўм-кўк бўлганлигини, этап билан жўнатаман деб жўнатганлигини, 2 ой даволанганлигини, яна уни олиб чиқиб дўппослашганликларини, беҳол одамни олиб бориб карсерга тикқанликларини, ХХХХХни карсерда ўтирганларни ҳаммасини қайтатдан текширтиришини, терговни ҳам бошқатдан қилдиришини, 1-сонли ЖИЭК ходими Камолов Низом келган вақтида, “тинчмисиз” деб сўраса, унга “пахта қўйманг” деганлигини, унга қасдан қилганлигини, уни эшитмаганлигини, телефон қилса кўтармаганлигини, ХХХХХни олиб чиқмагунча тинчимаслигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХХХХХХ 1-сонли ЖИЭКда жазо муддатини ўтаб келаётганлигини, у ЖИЭКда судланувчи ХХХХХ билан бирта секторга яшаганлигини, кун тартибини бузгани ёки ким билан урушганини кўрмаганлигини, агар ХХХХХ кир ювишга чиқса кўриши мумкинлигини, чунки улар битта жойда яшаганликларини, кир ювишга чиққанлигини кўрмаганлигини, ювиниш хонаси борлигини, 2 соат вақт берилишини, ўша пайт кирларини ювишларини, ухлаш вақтида кир ювиш мумкин эмаслигини, соат 05:30 туриб физиога чиқишларини, яъни бадан тарбияга, юз қўлни ювиш хонасига боришларини, навбатчи ҳожатга чиққанларни соат 5:30да борганларни ёзишини, соат 5:30дан кейин чиққанларни ёзмаслигини, соат 6:00 гача ётганлар бўлмаслигини, агар ётса қоидабузарлик ёзилишини,



уйғонмаганлар уйғотилилишини, нонуштага ҳамма туркум алоҳида борилишини, бадан тарбиядан кейин нонуштага кетилишини, судланувчи ХХХХХни ушлаб кир ювма деганларидан уни хабари йўқлигини, 1 йил давомида ХХХХХ билан жазони ўтаганлигини, шу вақт давомида уни қоидабузарлик қилганлигини кўрмаганлигини, уни ходимлар урганлигини, уйдагилари келган деб олиб кетишганликларини, бақир-чақирни эшитмаганлигини, туркумда камера борлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ 1-сонли ЖИЭҚда жазо муддатини ўтаб келаётганлигини, судланувчи ХХХХХни 5-бинога тушгандан бери танишини, у иккинчи қаватда, судланувчи ХХХХХ эса биринчи қаватда яшашишини, уни кир ювиш хонасига чиқиб кетганидан хабари йўқлигини, эрталаб туриш эълон қилингандан сўнг, ювиниш хонасига чиқишларини, ювинишга чиқса тиш ювиш пастаси ва сочиқ билан чиқишларини, агар соат 05:30 турсалар, ҳеч кимга халақит қилмасликларини, туркумда камера борлигини, соат 05:30 гача Амонов Зариф ювиниш хонасини тозаламаслигини, соат 05:30дан кейин ювинишга чиқсалар, навбатчи эътироз билдирмаслигини, 2025 йил 25 февраль куни нима воқеа бўлганидан уни хабари йўқлигини, судланувчи ХХХХХни бошлиқ ўринбосари олиб чиққанлигидан хабари борлигини, Амонов Зариф ювиниш хонасини ҳар доим ҳар хил соатда тозалашини, бир хил вақт умуман тозаламаслигини, судланувчи ХХХХХ ўзига тан жароҳати етказганидан уни хабари йўқлигини, ойнани синдириб, унинг синиғини ўзига тикқанлигини билмаслигини, у кечаси ухлолмаслигини, кечкурун Қуръон китобини ўқиб чиқишини, кундузи ухлашини, бундан раҳбариятни хабари борлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ ХХХХХ 1-сонли ЖИЭҚда жазо муддатини ўтаб келаётганлигини, судланувчи ХХХХХни 5-бинога тушгандан бери танишини, 2025 йил 24 февраль куни судланувчи ХХХХХ кир ювиш мақсадида ҳеч қаерга бормаганлигини, кир ювишга ҳам имконияти бўлмаслигини, у ҳам ўша кун маҳкумлар қатори ювиниб, бадантарбияга чиққанлигини, ХХХХХ билан ётоғи 2 кишилиқ эканлигини, ХХХХХни чиққанлигини кўрмаганлигини, ХХХХХ кир ювишга чиқиб кетганидан хабари йўқлигини, эрталабки уйқудан туришга эълон бўлмаса кир ювишга чиқиш мумкин эмаслигини, февраль ойида уларни туркумлари нонуштага биринчи бўлиб борганлигини, соат 05:30дан кейин ювинишга ёки ҳожатга чиқса дафтарга ёзилмаслигини, маҳкумлар туришга эълон қилишдан олдин турса эътироз билдирилмаслигини, лекин кеч уйқудан турса жазо олишини, ХХХХХни кун тартиби бузганини кўрмаганлигини, бадантарбия соат 06:00 бошланишини, соат 5:30дан 06:00 гача кир ювилмаслигини, ўша вақтда ҳамма ювиниш хонасида навбатда туришини, Амонов Зариф соат 08, 09 гача ювиниш хонасини йиғиштиришини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ маҳкумларнинг сони кўплиги сабабли, эрталабки туриш вақти 05:30 да тўғри келишини, бўлмаса улгуриб бўлмаслигини, кейин “улгумадинг” деб раҳбарият ҳужжат тузишини, 2025 йил 24 февраль куни воқеадан хабари йўқлигини, бирорта маҳкум эрталаб кир ювмаслигини, у бирор маҳкумнинг кир ювганини кўрмаганлигини, 2025



йил 24 февраль куни ХХХХХ кир ювганидан хабари йўқлигини, 2025 йил февраль ойида Ж.Элобоев билан битта туркумда бўлганликларини, ўша кун биринчи бўлиб нонуштага чиққанликларини, соат 05:30дан кейин турса ҳеч кимга ҳеч ким халақит бермаслигини, чунки ҳамма туришини, соат 05:30 дан кейин юз-қўллариини ювишларини, ювиниш хонасида Амонов Зарифни соат 05:30 да ювиниш хонасини йиғиштирганлигини кўрмаганлигини, судланувчи ХХХХХга тан жароҳати етказилгандан уни хабари йўқлигини, ювиниш хонаси билан ҳожатхонада камера ҳозир йўқлигини, 2025 йил февраль ойида ҳам бўлмаганлигини, 2025 йил февраль ойида судланувчи ХХХХХни машқ қилганлигини кўрмаганлигини баён қилди.

Судда судланувчи ХХХХХ ХХХХХ 2025 йил февраль ойида уйқудан эрталабки туриш вақти соат 5:20 ларда бўлганлигини, уйқудан туришга эълон бўлмасдан ХХХХХ чиқиб кир ювганини билмаслигини, эрталаб туришга эълон қилинмасдан олдин ҳеч ким кир ювмаслигини, у ХХХХХни кир ювишга чиқиб кетганлигини эшитмаганлигини, уйқудан туриш эълон қилишдан олдин ҳожатга чиқилса ҳеч ким гапирмаслигини, ювиниш хонасига соат 05:30 борса бўлишини, ювиниш хонасини Амонов Зариф соат 06:00 гача тозалаганини бирор маротаба кўрмаганлигини, маҳкумлар соат 05:30 дан бошлаб ювиниш хонасига бўлишини, Амонов Зариф текшириш вақтида ювиниш хонасини тозалашини, судланувчи ХХХХХни ходимлар ўраб олиб, унга тан жароҳати етказганини узоқдан кўрганлигини, бу бўйича ундан тушунтириш хати олинмаганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ у ушбу 1-сонли жазони ижро этиш колониясида 2025 йил февраль ойида келганлигини, у эрталабдан ХХХХХни ювиниш хонасига кир ювиб ўтирганлигини кўрмаганлигини, эрталабдан ҳеч ким кир ювмаслигини, Амонов Зарифни эрталаб соат 06:00 гача ювиниш хонасини тозалаганлигини кўрмаганлигини, уйқуга ётишдан олдин ҳам кир ювилмаслигини, кир ювиш куни борлигини, ўша вақтда ҳамма кирини ювишини, уйқудан туриш вақти 05:30 да эканлигини, кейин ювинишларини, соат 05:30 ларда ҳожатхона ҳамда ювиниш хонасига чиқишларини, ювиниш хонасига соат 05:30да борса бўлишини, соат 5:30 маҳкум турса, ҳеч кимга халақит бермасдан ҳожат ва ювинишга чиқиши кераклигини, бошқаларга халақит бермаслиги кераклигини, соат 05:30ларда туриб ювинишга рухсат берилганлигини, Амонов Зариф бадантарбиядан кейин тозалаш ишларини бошлашини, нонуштадан сўнг ҳамма чиқиб тўғри ишига кетишини, уни ХХХХХга хужжат тузилганидан хабари йўқлигини баён қилди.

Судда гувоҳ ХХХХХ у ушбу 1-сонли жазони ижро этиш колониясида жазо муддатини ўтаб келаётганлигини, у 2025 йил 24 февраль куни маҳкум ХХХХХни кир ювиш хонасида кўрмаганлигини, 2025 йил февраль ойида улар биринчи бўлиб нонуштага чақиришганлигини, соат 05:30 маҳкум турса, ҳеч кимга халақит бермасдан ҳожат ва ювинишга чиқиши кераклигини, бошқаларга халақит бермаслиги кераклигини, соат 05:30 ларда туриб ювинишга рухсат берилганлигини, Амонов Зарифни соат 06:00 гача ювиниш хонасини тозалаганлигини кўрмаганлигини, у маҳкум ХХХХХни ювиниш



хонасига бакалашка кўтариб машқ қилганлигини кўрмаганлигини, ювиниш хонасига машқ қилиб бўлмаслигини баён қилди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXнинг суд ҳукмида назарда тутилган жиноятни содир этганликдаги айби, судланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки терговда ва суддаги кўрсатувларидан ташқари;

жиноят ишининг 211-иш варағидаги: 1-сонли ЖИЭК бошлиғи З.Э.Турдиевнинг 07.08.2024 йилдаги 60-сонли маҳкум XXXXXни 30 кун муддатга интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисидаги қарори;

жиноят ишининг 210-иш варағидаги: - Маҳкумлар учун ихтисослаштирилган касалхона бошлиғи У.У.Норкуловнинг 04.02.2025 йилдаги 8-сонли маҳкум XXXXXга “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисидаги қарори;

жиноят ишининг 9-иш варағидаги:- маҳкум XXXXX томонидан колония ички тартиб қоидаларига бўйсунмаганлиги юзасидан тузилган 24.02.2025 йилдаги далолатнома;

шунингдек, жиноят ишида мавжуд тушунтириш хатлари, гувоҳни сўроқ қилиш баённомалари ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXнинг айбига иқрор эмаслиги, унинг айби йўқлиги, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг ушбу важлари:

1). Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXнинг дастлабки терговдаги ҳимоячи адвокат Х.Хамидовнинг иштирокида 2025 йилнинг 24 февраль куни соат 05:30лар атрофида бир ўзи 5-бино 9-туркумда ухлаб ётган ўрнидан уйғониб ҳожатхонага кириб сув билан ювинганлиги, кир бўлган нарсаларини ечганлиги, ҳожатхонадан чиқиб кир бўлган нарсаларини ювиш мақсадида ювиниш хонасига борганлиги, ўша пайтда уйғониш учун рухсат берилмаганлиги, 5-бино 9-туркумдан бир ўзи чиқиб, кирларини ювиш мақсадида ювиниш хонасига борганлиги, тоғорани олиб сувга тўлдирганлиги, кир кийимларини унга солиб қўйганлиги, колонияга келган кунидан буён маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб келинганлиги, уйғониш учун рухсат берилмаган бўлсада, ўзи ва нарсаларини кир қилганлиги сабабли тозаланиш мақсадида 5-бино 9-туркумни тарк этиб ювиниш хонасига бориб кир кийимларини тоғорага солиб ивитиш қўйганлиги, ҳеч кимга нисбатан даъво ҳамда эътирозлари мавжуд эмаслиги, колонияда ювиниш учун белгиланган вақт ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари қилиб белгиланганлиги, бундан хабари борлиги, 2025 йилнинг 24 февраль ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишини билмаслиги, маҳкумлар учун уйғониш вақти колония ички тартиб қоидаларига кўра соат 06:00 қилиб белгиланганлиги, бундан хабари борлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

2). Гувоҳ Худойкулов Ҳасан Аҳадовичнинг дастлабки терговдаги ҳамда суддаги маҳкум XXXXX 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда



махкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида тунги навбатчи Ш.Ражабов унга “ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади” деса ҳам уни гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлиги, бу ҳолатни маҳкум Н.Пўлатов бевосита гувоҳи бўлганлиги, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ш.Ражабов, Ж.Қувватов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

3). Гувоҳ ХХХХХнинг дастлабки терговдаги ҳамда суддаги 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида унга ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади деса ҳам гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлиги ва кир ювганлиги, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ҳ.Худойқулов, Ж.Қувватов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлиги, ХХХХХдан тушунтириш хати олинганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

4). Гувоҳ ХХХХХнинг дастлабки терговдаги ҳамда суддаги 2025 йилнинг 24 февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ётоқ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиб, соат 05:10 ларда кир ювиш мақсадида 5-бино 9-туркум биносидан чиқаётган пайтида тунги навбатчи Ш.Ражабов унга ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмади деса ҳам уни гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум биносини тарк этиб чиққанлиги, шундан сўнг 24.02.2025 йилда 1-сон ЖИЭК ходимлари Ҳ.Худойқулов, Ш.Раджабов ва у томонидан ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилганлиги, 2025 йил 24 февраль куни Ш.Раджабов навбатчи бўлганлиги, ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилганлиги, 2025 йил 24 февраль кунидаги ҳолат бўйича тушунтириш хати олиншига гувоҳ бўлганлиги, ҳолатни фотосуратга туширганлиги, назорат дафтари кўрганликлари, соат 05:10 эканлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

5). Гувоҳ ХХХХХнинг дастлабки терговдаги ҳамда суддаги 1-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаб келиб, колонияда 5-бино 9-туркумда маҳкумлар ҳожатхонаси ва ювиниш хонасида тозаловчи бўлиб ишлаб келишини, ХХХХХ тозалаш ишларини олиб бораётган вақтида унинг ишлашига халақит қилиб келиши, у фақат ўн литрлик елим идишга сув солиб олиб, ўзини бошқа маҳкумлар олдида салбий томонларини кўрсатиб гўёки спорт билан шуғулланиб келиши, 2025 йилнинг 24 февраль куни соат тахминан 05:20 лар атрофида хизмат вазифаси бўлган ювиниш хонасида тозалаш ишларини олиб бораётган вақтида колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан туриб, ХХХХХ кир ювиш мақсадида кийимларини ювишни бошлаганида унга ҳали кир ювиш мумкин эмас деб айтганида унга нисбатан ҳақоратли сўзлар ишлатиб ўз ишини давом



эттираверганлиги, XXXXX бундан олдин ҳам колония ходимларини менсимасдан бақирган ҳолатлари бўлганлиги, XXXXX 05:10 ювиниш хонасига кирганлигини, у XXXXXга мен тозалайман деганлиги, у кир юваман деганлиги, кир ювиш бугун мумкин эмас-ку деб айтлиги, XXXXX хоҳлаган вақтида кириб келиши ҳақидаги кўрсатувлари билан;

6). Гувоҳ XXXXXнинг дастлабки терговдаги ҳамда суддаги 2025 йил февраль ойларида маҳкум XXXXX маҳкум XXXXX билан тортишганлиги, XXXXX ҳақорат қилиб чиқиб кетганлиги, XXXXX унга ювиниш хонасига бораман демаганлиги, таҳоратга чиқиб кетганлиги, у тунги навбатчи бўлганлиги, XXXXX унга ҳожатга чиқиб келаман деб айтганлиги, у кир юваман деб айтмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

7). Гувоҳ XXXXX XXXXXнинг дастлабки терговдаги 2025 йилнинг 24 февраль куни маҳкумлар эрталабки уйғонишидан аввал тозалаш ишларини қилиш ва сувларни тахлаш учун супурги ва тозалаш ишлари учун керак бўладиган бошқа анжомларни олиб, шериги XXXXX Дониёр билан бирга ювиниш хонасига борганида маҳкум XXXXX кир ювмоқчи бўлиб турганлиги, шу пайт 3.XXXXX ҳали кир ювиш мумкин эмас деб айтганида, XXXXX уни ҳақорат қилиб, ўз ишини давом эттираверганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан, шунингдек, жиноят ишида мавжуд тушунтириш хатлари, гувоҳни сўроқ қилиш баённомалари ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан рад қилиниб, жавобгарликдан кутулиш мақсадида келтирилган важ деб ҳисоблайди.

Суд гувоҳлар XXXXXXXXXX, XXXXX, XXXXX XXXXX, XXXXX, XXXXX XXXXX, XXXXX ва XXXXXларнинг суддаги маҳкум XXXXXни кир ювишга чиққанлигини кўрмаганликлари, уни кир ювиш хонасига чиқиб кетганидан хабарлари йўқлиги, кир ювганини билмасликлари ҳақидаги кўрсатувларига баҳо бериб, улар 2025 йил 24 февраль куни уйкуда бўлган вақтларида яъни эрталаб соат 05:10 ларда маҳкумлар ҳали уйкудан туриши эълон қилинмасдан олдин судланувчи XXXXX ётоқ жойидан ўзбошимчалик билан туриб, кир ювиш мақсадида туркумдан чиққанлиги сабабли улар ушбу ҳолатни пайқашмаган ва кўришмаган деган хулосага келади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” бандида “оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг карцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса” деб белгиланган.



Судда судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
XXXXX муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг
30.11.2022 йилдаги ҳукмига кўра, оғир жинояти учун яъни, Ўзбекистон
Республикаси Жиноят кодексининг 25,155²-моддаси 1-қисми, 244¹-моддаси
3-қисми “а,г” бандлари, 244²-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб,
ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун 8 йил муддатга
озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, озодликдан маҳрум қилиш
жазосини Когон туманида жойлашган 1-сонли умумий тартибли жазони
ижро этиш колониясида ўташ даврида, жазони ўташ тартиби талабларини
мунтазам равишда бузиб, 1-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг
07.08.2024 йилдаги 60-сон қарорига асосан 1 ой (30 кун) муддатга карцерга
ўтказиш тариқасидаги интизомий жазо, шунингдек маҳкумлар учун
ихтисослашган касалхона бошлиғининг 04.02.2025 йилдаги 8-сон қарорига
асосан “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган бўлсада, 2025 йил 24
февраль куни колонияда маҳкумлар уйқудан туриши эълон қилинмасдан
олдин ётоқ жойидан ўзбошимчалик билан туриб, эрталаб соат 05:10 ларда
кир ювиш мақсадида туркумдан чиқаётган пайтида тунги навбатчи
Ш.Раджабов унга ҳали уйқудан уйғониш вақти бўлмаганлигини айтганида,
унинг гапига беписандлик қилиб, ўз ишини бажариш мақсадида туркум
биносини тарк этиб чиқиб кетиб, олиб борилган тарбиявий суҳбатлар ва
берилган огоҳлантиришлардан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ҳар хил
асоссиз баҳоналарни рўкач қилиб, “сизни кўзингиз мендан бошқасини
кўрмайди ёки сизга асоссиз заказ бўлганми” деб колония ходими билан
хушмуомалада бўлмасдан, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг
қонуний талабларига бўйсунмасдан, жазони ўташ тартибини қўпол тарзда
бузганлиги аниқланди.

Шу боисдан суд, судланувчи
XX XXXXXнинг жиноий
ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-
қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида
айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари
тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки
маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги ва гумон қилинувчи,
айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги
белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми
тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги, фақат судланувчининг
жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот
қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир
этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш
материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага
келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида
йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги
кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 54-моддасида эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи XX XXXXXга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7 ва 8-моддаларида инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унинг оилавий шароити оғирлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олишни, унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб эътироф этиб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топишни, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 60-моддасига асосан мазкур ҳукм билан тайинланган жазога илгарги ҳукм билан тайинланиб ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни, унинг эҳтиёт чорасини аслича “қамок”да қолдиришни, жазо муддатини қамокқа олинган кунидан бошлаб ҳисоблашни, иш бўйича ёзма далил 1-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг 07.08.2024 йилдаги 60-сон қарорига асосан XXXXXни 30 кун муддатга карцерга ўтказиш тариқасидаги интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ҳақида қарори, маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона бошлиғининг 04.02.2025 йилдаги 8-сон қарорига асосан XXXXXга “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисидаги қарори, XXXXX томонидан колония ички тартиб қоидаларига бўйсунмаганлиги юзасидан тузилган 24.02.2025 йилдаги далолатномани жиноят иши билан бирга сақлашни, ушбу ҳукмдан норози тарафларга, ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм



конуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли эканликларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471, 473 – моддаларини қўллаб, суд;

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
XXXXX XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX Ўзбекистон
Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг “б” бандида
назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 221-моддаси 2-қисмининг
“б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 60-моддасига асосан
мазкур ҳукм билан тайинланган жазога илгариги ҳукм билан тайинланиб
ўталмай қолган 3 йил 10 ой 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини
қисман қўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи тариқасида узил-кесил, 3 йил 11
ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Унинг эҳтиёт чораси аслича “қамок”да қолдирилсин.

Жазо муддати 2025 йил 23 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Иш бўйича ёзма далил:

1-сон жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг 07.08.2024 йилдаги
60-сон қарорига асосан XXXXXни 30 кун муддатга қарцерга ўтказиш
тариқасидаги интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ҳақида қарори,
маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона бошлиғининг 04.02.2025 йилдаги
8-сон қарорига асосан XXXXXга “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўллаш
тўғрисидаги қарори, XXXXX томонидан колония ички тартиб қоидаларига
бўйсунмаганлиги юзасидан тузилган 24.02.2025 йилдаги далолатнома
жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан
эътиборан, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида
Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач
кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга
ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Қ.И.Холов

